

Фуркат (тахаллуси; асл исмшарифи Зокиржон Мулло Холмухаммад ўгли) (1859, Кўкон — 1909, Ёркенд) — тараккийпарвар шоир, мутафаккир, публитсист. Махалласидаги мактабда савод чикарган, мударрис ва котиблардан хаттотлик, араб тилини ўрганган. Мадрасада ўқиган (1873—76). Алишер Навоий ижодини, форс адабиёти намояндлари меросини чуқур ўрганган, форс тилини мукамал ўзлаштирган. 1876 йилда Янги Маргилон (хозирги Фаргона) шаҳридаги савдогар тоғасининг илтимосига кўра у ерга бориб, савдо ишларида унга ёрдамлашган, кейинчалик ўзи ҳам кичик дўкон очган. Айни пайтда билимдон зиёли сифатида кишиларнинг арз ва илтимосларини расмий маҳкамаларга аризалар шаклида битиб, мирзалик ҳам қилган.

Фуркат Янги Маргилонда ижодкор сифатида тўла шаклланди, ўз газалларига «Фуркат» тахаллусини қўйиб, шуҳрат қозона бошлади. Бу ерда ўтказилган йиллар Фуркатнинг халқчил дунёкараши, илгор адабиестетик тушунчаларининг шаклланишида ҳам муҳим бир босқич бўлди.

80-йилларнинг бошларида Фуркат Кўконга қайтиб, оила куради ва, асосан, ижодий иш билан шугулланади. Муқимий ва Муҳийи етакчи бўлган Завкий, Нодим, Нисбат, Муҳаййир каби ижодкорлар гуруҳи билан бевосита мулоқотда бўлади, улар уюштириб турадиган адабий мажлислар, шеърят кечаларининг фаол иштирокчисига айланади.

Фуркатнинг Кўкондаги бу давр ижоди тур ва мавзу, мазмун ва шакл ранг-баранглиги жихатидан ҳам, сермахсуллиги жихатидан ҳам диққатга сазовор. У мумтоз шеърят анъаналари руҳида кўплаб ишқий газаллар, мухаммаслар яратган. Алишер Навоий асарларига гўзал назира ва тахмислар боғлаган, унинг шеърларида ижтимоий рух ва замонавийлик тобора кенг ўрин эгаллай боғлаган (мас, «Бўлди» радифли мухаммаси ва бошқа шеърларида). Фуркат халқнинг сиёсий ҳуқуқсизлиги ва иқтисодий ночор аҳволдан қайгирган («Не журм ўттики биздин, бунчалик Фаргона танг бўлди?...») Кўкон хонлигининг узилкесил тугатилиб, батамом мустамлакага айлантирилиши воқеасига боғлиқ ҳолда яратилган: «Демиш хон бир қуниқим, давру давронлар қаён қолди?» мисраси билан бошланувчи мухаммаси ҳам Фуркатнинг шу даврдаги ижоди маҳсулидир. Тожу тахтдан, шаъну шавкат ва аъёнлардан маҳрум бўлган Худоёрхон номидан битилган бу асар ҳам шоир ижодида замонавий ижтимоий мавзу кенг ўрин эгаллаганининг исботидир.

Фуркатнинг ижодий меросида анъанавий шеърини турлар, ўзбек мумтоз адабиётидаги асосий мавзулар етакчи ўрин эгаллайди. Унинг газал ва мухаммаслари, боғлаган тахмислари узининг ҳаётийлиги, муסיкийлиги, ниҳоятда самимийлиги билан ўқувчини мафтун этади. Фуркат шеърларида она-юрт табиати ва баҳор гўзаллиги, жўшқин севги-мухаббат ва чин инсоний фазилатлар, ҳаёт шодликларидан қувониш ва турмуш ташвишларидан шикоят қилиш, умуман, одам ва олам, кишиларнинг маънавий дунёси, меҳри ва қаҳри яққол тасвирланган. Масалан, «Баҳор айёмида гулгашт этарга бир чаман бўлса», «Умр хуш ўтмас баҳор айёми сахро бўлмаса», «Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг», «Жаннатнинг гулларида гулзорингиз чиройлик», «Кўнгул дардига топмай бораман харгиз даво истаб», «Фасли навбахор ўлди кетубон зимистонлар» каби мисралар билан бошланувчи газаллари, «Етти фалак», «Бири», «Истар кўнгул», «Дўст», «Қоқулунг» радифли мухаммаслари, Навоий газалларига тахмислари давр шеърятининг ҳам гоёвий, ҳам бадий жихатдан етук намуналари ҳисобланади.

Фуркат шеъриятида мустамлака тузумининг иллатларини коралаш, жорий адолатсизлик ва зўравонликдан, хукуксизлик ва ночор хаётдан, нодонларнинг замонада эътибор топиб, доноларнинг хорзор этилишидан норозилик эса коларли бадий бўёқларда тасвирланган.

«Чархи кажрафторнинг бир шевасидан догмен:

Айшни нодон суруб, кулфатни доно тортадур»

каби баркамол мисралар шоир ижодидаги ижтимоий йўналишни акс эттиради.

«Бормасмиз» радифли шеърида эса ўзбек миллий рухияти бадий ифодаланган.

Машхур «Сайдинг кўябер, сайёд...» мусаддасида эса шоир шахснинг эркин яшаш хукукини химоя қилади, зулм ва истибдодни катъий қоралайди.

Фуркат худди шу йилларда «Хаммоми хаёл» рисоласини ёзади. «Чор дарвеш» хикоятини форсчадан таржима қилади. «Нух манзар» номли шеърий китоб яратади.

«Булардин бўлак хар хил газалиётим Фаргона музофотига (яъни, ёнатроф кишлокшахарларига) ва дигар мамлакатларга мунташир (машхур) бўлди», деб ёзади шоир.

Худди шу йилларда Фуркат илк бор шеърларини тўплаб, мажмуа холига ҳам келтирган. Афсуски, шоирнинг ўзи қайд этган рисола, манзума ва таржималари каби бу мажмуа ҳам шу кунга қадар топилган эмас.

Фуркат тахминан 1886—87 йилларда Маргилонга бориб, у ердаги Масжиди жоме хужрасида истикомат қилган, ёру биродарлари кўмагида кичик дўкон очган бўлсада, асосан, шеърият билан шугулланган, шаҳарнинг зиёлилари, жумладан, Хўжажон Рожий, Мухаммад Умар Умидий-Хавоий, Мулла Тошболту Ройик каби ижодкорлар билан танишиб, адабий суҳбатлар қурган. Фуркат илк бор газета билан танишиб, унинг «Тошкент шахрида босма бўлгон» лигини шу ерда билади. Янгиликка чанкок, тараккийпарвар шоирда ижтимоий хаётда юз берган ўзгаришларга, секинаста ёйила бораётган фан ва техника намуналарига кизикиш уйғонади, янгиликлар билан бевосита танишиш, ўз кўзи билан кўриш иштиёқи зўраяди. 1889 йил бошларида Тошкент сафарига чиқади, Хўжандда тўхтаб, Тошхўжа Асирий бошлик шоирлар, адабиёт мухлислари билан учрашади, адабий кечаларда иштирок этади. Нихоят, 1889 йилнинг июнида Тошкентга келади. Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси хужраларидан бирида яшайди. Кўзга кўринган олим, фозиллар билан танишади. Шарифхўжа эшон тавсияси билан маълум муддат «Фархат» (шодлик, хурсандлик) тахаллусида шеърлар ёзади, лекин кўп ўтмай, эски тахаллусига қайтади.

Фуркат Тошкентда рус зиёлилари, европача хаёт тарзи билан танишди. Чор маъмурлари шоирнинг театр, гимназияга, турли контсертларга киритишни уюштирдилар, кўргазмаларга олиб бордилар. Янги тарихий шароит туфайли юз берган ўзгаришларни мушоҳада этиш натижасида Фуркат дунёқарашида жиддий ўзгариш бўлади ва бу хол унинг ижодида ўз бадий ифодасини топади — маърифатпарварлик, европача илм-маданият, фан-техникага хайрихоҳлик шоир шеърларининг етакчи гоёсига айлана боради. Бу эса Фуркатнинг кўп асрли ўзбек адабиётига янги мавзулар, янги гоёлар олиб киришига замин бўлди. Тошкентда очилган эрлар гимназияси, маориф муассасалари, маданият ва санъат ўчоқларини, тобора кўпроқ кириб келаётган фантехника янгиликларини кузатиш оқибатида унинг «Илм хосияти», «Гимназия», «Виставка хусусида», «Акт мажлиси хусусида», «Тошкент шахрида бўлгон нагма базми хусусида», «Суворов» ва бошқа асарлари майдонга келди ва уларнинг барчаси 1890 йилларда «Туркистон вилоятининг газети»да чоп қилинди.

Бу туркум асарларида Фуркат янгилик ва тараккиётнинг, илм-фан ва европача

маориф-маданиятнинг таргиботчиси сифатида намоён бўлади; ўз ватандошларини замонавий билимларни пухта эгаллашга ва илгор халклар каторидан ўрин олишга даъват этади. Бирок Фуркат айрим замондошлари сингари рус истилочилик сиёсатининг асл мохиятини бирданига англай олмади. Рус, Европа маданиятпарварлиги орқасида маҳаллий руслаштириш сиёсати пинхон эканлигини сўнгрот тушуниб етди. Худди шу йилларда яратилган «Шоир ахволи ва шеър муболагаси хусусида» асарида Фуркат ижодкор ва бадиий адабиёт хусусида ран очиб, шеъриятда реалистик тасвир масаласини кўтарди.

Фуркат ҳақи равишда ўзбек публицистикасининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Фуркатнинг публицист сифатидаги фаолияти 1890 йилдан бошланди. «Туркистон вилоятининг газети»га расман ишга кирди, газетани тайёрлашда бевосита катнашди. Бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида Сатторхон каби илгор маърифатпарварлар билан ҳамкорликда ишлаб, газета саҳифаларида ўз мақолаларини эълон қилди. Масалан, 1891 йил 1-ярмида «Хўқандлик шоир Зокиржон Фуркатнинг ахволоти. Ўзи ёзғони» публицистик асарини ёзиб, шу газетада эълон қилди. 1891 йил майда Самарқандга борди, осори-атикалар билан танишди, газетага хабарлар йўллади, кейин Бухорода бўлди. Июлда эса чет эл саёхатида чикди. Унинг чет элга саёхати ҳақида турли тахминлар бор. Айрим маълумотларга қараганда, у атайин кейтиб келмайдиган қилиб ўз юртидан чиқариб юборилган. Хуллас, 1891 йилнинг июлида Марв —Ашхобод—Боку—Батуми орқали Истанбулга борди. Дўстларига ёзган мактубларида, воқеаларни олдиндан билгандек, ватанидан бир умр ажралиб қоладиган одамнинг қайфиятини ақс эттирди. Масалан, Истанбулдан ёзган «Сабога хитоб» шеърий мактубида Ватан иштиёқи, дўстлар соғинчи, гурбат азоблари ва ёлғизлик мотивлари биринчи ўринга қиккан.

Фуркат Истанбулдан Булгория ва Юнонистонга ўғди. Болкон ярим оролининг қатор шаҳарларида бўлди. 1892 йилнинг мартада Истанбулдан Ўрта денгиз орқали Арабистонга — Макка, Жидда, Мадина шаҳарларига борди. Маккадаги ҳаж зиёрати муносабати билан «Ҳажнома» асарини яратди. Сўнг Бомбайга келди, Хиндистоннинг қатор вилоятларига саёхат қилди. Унинг бу даврда ёзган насрий ва назмий мактубларида тушқунлик, онаюрт соғинчи ва изтироблари ақс этган. «Адашганман» радиқли ҳамда «Кашмирда», «Булбул» деб номланувчи лирик шеърлар туркуми шу жиҳатдан ўзига хос жиҳронномадир. 1893 йил мартада Фуркат Кашмир ва Тибет орқали Шарқий Туркистонга бориб, Ёркендда тургун яшаб қолди. Оила қурди. Табиблиқдан хабардор бўлган шоир доривор ўсимликлар билан савдо қилувчи дўқон очди, ижодий иш ва хаттотлик билан шугулланди. Фуркат доимо Ватанига қайтиш умиди билан яшади. Аввал бошлаган «Саёхатнома» асари устидаги ишни Ёркендда давом эттирди. Лекин бу асар хануз топилгани йўқ. У ердан Тошқентга публицистик асарлар, турли мавзудаги хат-мақолалар, Фарғона ва Тошқентдаги ёрдўстларига мактублар йўллаб турган. Фуркат ўзбек матбуоти тарихида фелетон жанрини бошлаб берди («Хинд найрангбози Ёркендда», 1905).

Барқамол лирикаси, жозибали насри ва публицистикаси билан 19-аср охири ва 20-аср бошларидаги миллий адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қушган Фуркат онаватанидан узокда вафот этди. Унинг жасади Ёркенднинг Донғдор қабристонига қўмилган. 1990 йил шоир қабри устига макбара қурилган.

Фуркатнинг шеърлари қитоб ҳолида дастлаб 1913 йилда Муқимий шеърлари билан бирга баёз ҳолида тошбосмада босилган эди, 50—80-йилларда қўп бор нашр этилди.

Шоир хаёти ва ижоди хакида катор илмий асарлар ёзилди, диссертатсиялар ёкланди, опера либреттоси, киностсенарий ва бошка яратилди. Ўзбекистондаги бир катор кишлок, туман, мактаб, кўча ва хиёбонлар, боғлар унинг номи билан аталади.

*Абдурашид Абдугафуров,
Бегали Косимов*

БАХОР АЙЁМИДА

Бахор айёмида гулгашт этарга бир чаман бўлса,
Килурга шархи хол, ахли мухаббат икки тан бўлса.

Хазон айёмида ул тавба килган бўлса хам майдин,
Етиб майхораликнинг мавсуми, паймоншикан бўлса.

Булут катра фишону, рухафзо сабзалар хандон,
Аригларнинг лабида сабзакори бир чаман бўлса.

Хаво хам мўтадил, хавзи мусаффо, суффаи дилкаш,
Окар сув галт уриб, себарга узра мавжзан бўлса.

Сабуи лаъл бирлан шишаи байзоу олтун жом
Ўшал мажлисда сокий бир нигори сиймтан бўлса.

Гул узра андалибу, сарвнинг бошида кумрилар
Юзу кад хасратидин оху фарёд айлаган бўлса.

Киши тўбию кавсар, жаннату ризвонни не килсун?
Жахон айвонида хосил бу янглиг анжуман бўлса.

Суруру шодликни дахр богида нечук кўргай?
Камина Фуркатийнинг маскани байтул-хазан бўлса.

УМР ХУШ ЎТМАС

Умр хуш ўтмас бахор айёми сахро бўлмаса,
Лолазор ичра бисоти айш барпо бўлмаса.

Хосил ўлмас бодау жом ила мийнодин мурод,
Жилвагар то сокийи гулчехра андо бўлмаса.

Базм ахли бўлсалар майхоралар анда зариф —
Дарди йўк агёр ўшал мажлисда асло бўлмаса.

Дахр гулзорида хушдир яхши таъмири бисот,

Гар хазондин гарди ходис анда пайдо бўлмаса.

Обихайвон бирла умри жовидонни не килай
Бир хати Хизру лаби лаъли Масихо бўлмаса.

Хок бўлсун ул танеким, ишк ўтида куймаса,
Зерипо бўлсун сареким, анда савдо бўлмаса.

Фуркат айлар орзу бу анжумаини хар бахор,
Одам эрмас хар кишида бу таманно бўлмаса.

ОХИСТА-ОХИСТА

Вафо айлаб йирокдин ошкор охиста-охиста,
Бир ишким айладинг, жоно, хазор охиста-охиста.

На яхши мархаматлар айламишсан номада изхор;
«Мухаббат расми килгил» деб шиор охиста-охиста.

Жадал бирла киши максудига етган эмас, оре,
Бўлур вакти билан хар навъ кор охиста-охиста.

Нечук токат килайким, бора-бора зўр этиб ишкинг,
Кўнгулдин олди сабр ила карор охиста-охиста.

Бериб таскин кўнгулга: васлига бир кун етарман деб
Ўзимни ўргатай хажрингга, ёр, охиста-охиста.

Паришон ўлмаин то хотирингни жамъи кил, жоно,
Сўраб холимни хат бирлан бирор охиста-охиста.

Нечук осойиш айлай, эй кўнгул оромиким, сенсиз
Бўлуб борур жaxon кўзимга тор охиста-охиста.

Ўшал кун бир кўриб колганда килган новаки гамзанг
Хануз айлаб келур кўксим фигор охиста-охиста.

Висолинг бодасидин килмасанг шодоб Фуркатни,
Хабар айлар ани хажру хумор охиста-охиста.

РУХСОРИ АХМАР УСТИДА

Терму тоби бодадин рухсори ахмар устида?
Катра-катра ёки шабнамдур гули тар устида?

Ўсмалик кошларму ё шамшир кондин занглик?
Ёки пистоки тўкулмиш ранги ахзар устида.

Юз уза кокулмидур хар сори печутоб ила?
Ганжи хуснингму ётур ё икки аждар устида?

Чехра очтингму бу тадбир-ла чаманда толдилар,
Хаста булбул гул уза, кумри сановбар устида?

Хоки пойингни талошур кўзга эл сурмок учун,
Оре, хар ерда хужум айлар гадо зар устида.

Икки жоду наргисинг солгай жахонга фитналар,
Бўлмаса урён кошингдин икки ханжар устида.

Нозанин, сен ташла истигнони, худ бори гарон,
Ноз дебоси назокат хулк пайкар устида.

Фуркатий кошу кўзингдин фитналар кўрди бале!
Шўриш ўлмок расмдур ой тугса ахтар устида.

КАШМИРДА

Бир камар сиймони кўрдим балдаи Кашмирда,
Кўзлари масхуру юз жоду эрур тасхирда.

Зарра-зарра зар сочар бошига хар кун офтоб,
Субх келгач, кеча ётиб чашмаи иксирда.

Бир кўриб чохи заканин Хорут ила Морут иков,
Чохи Бобил ичра колмишлар бўлак тадбирда.

Ламъаи кийгоч кўзидин анинг барки нигоҳ,
Тезлик жавхарлари гар бўлса хар шамширда.

Коши узра холининг асроридин бир нуктадур,
Сураи Нун ўкудим пайваста хар тафсирда.

Фориг эрмас хеч ким ул дилрабонинг ишкидин,
Зулфига дилбасталиг хар бир жувону пирда.

Айдим: «Эй, жон офати, зулфингга бўлмишман асир!
Айди: «Бу савдони кўй, умринг ўтар занжирда!»

«Нукта лаб устида бежодур»,— дедим, айди кулиб:

«Сахв килмиш котиби кудрат магар тахрирда».

Айди: «Эй бечора, килдинг на учун тарки ватан?»
Ман дедим: «Гурбатда Фуркат бор экан такдирда!»

КАВЛАМА

(Машраб газалига мухаммас)

Ошики дилдодадурман дилбаримни кавлама,
Ахгар ўлди гам ўтида пайкаримни кавлама,
Сайр килдим бахру бар хушку таримни кавлама,
Эй сабо, гамзодадурман, бистаримни кавлама,
Чун шафак олузаман хокисторимни кавлама!

Чархи кажрафтордин беҳад аломатлар келур,
Бу сабаб кўздин юза ашки надоматлар келур,
Гар юракни кўзгасам ширин хикоятлар келур,
Хар замоне Лайлидин менга китобатлар келур,
Санки Мажнун бўлмасанг сардафтаримни кавлама!

Гамдин озода билур озодаларни холини,
Йўкса мискин на билур шахзодаларни холини
Хурдадонлар билмадилар соддаларни холини,
Хонавайронлар билур афтодаларни холини.
Эйки махрам бўлмасанг чашми таримни кавлама!

Ишк савдоси тушуб бошимга, ахволим хароб,
Жоним айлар тан аро сиймоб янглиг изтироб,
Таъна килма, зоҳидо, кўнглумда гамлар беҳисоб,
То кишига дард тегмай бўлмади багри кабоб,
Дилда дардинг бўлмаса дарди саримни кавлама!

Неча кунлар хамдам ўзга вахшию тайр айладим,
Билмадим бу йўлда шаръ килдим ваё хайр айладим
Гам хужум этти анинг-чун масканим дайр айладим,
Ломаконни шахрини бир ху била сайр айладим,
Жабраили ишкман, болу паримни кавлама!

Гах ўзимни сувга урдум, гох ўтга дам-бадам,
Бўлмади даврон сафоси лахзаэ бошимга кам,
То шариатни тутуб кўйдум тарикатга кадам,
Баҳри раҳматга кприб килдим вужудимни адам,
Маърифатдин беҳабарсен, гавхаримни кавлама!

Чун кадам кўйдунг бу йўлга бўлма бематлаб вале,

Фахри зиллат бўл, талашма гурбати мансаб вале,
Фуркатий, саргашта бўлсанг, йиглагил хар шаб вале,
Дурри дарёи маоний бўлду чун Машраб вале,
Дийда бино бўлмасанг кўб жавхаримни кавлама!

САЙДИНГ КҮЯБЕР, САЙЁД

Сайдннг кўябер, сайёд, сайёра экан мендек,
Ол домипи бўйнидин, бечора экан мендек,
Ўз ёрини топмасдан овора экан мендек,
Икболи нигун, бахти хам кора экан мендек,
Хижрон ўкидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари багри садпора экан мендек.

Кес риштаниким, килсун чаппаклар отиб жаста,
Хажрида алам тортиб, бўлди жигари хаста.
Тогларга чикиб бўлсун ёри била пайваста,
Кел, кўйма бало доми бирла они по баста,
Хижрон ўкидин жисми кўп ёра экан мендск,
Куйган жигари багри садпора экан мендек.

Беш кун сени даврингда бечора хиром этсун,
Охулар ила ўйнаб, айшини мудом этсун,
Ёмгур суви тўлганда, тог лолани жом этсун,
Хаккингга дуо айлаб, умрини тамом этсун,
Хижрон ўкидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жпгари багри садпора экан мендек.

Саргашта бу водийда бнр бошнга рахм эткил,
Йўк токати бандингга, бардошига рахм эткил,
Йиглаб сенга термулур, кўз ёшига рахм эткил,
Рахм этмасанг ўзига, йўлдошига рахм эткил,
Хижрон ўкидип жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари багри садиора экан мендек.

Тогда очилиб лола, ер сабза бахор ўлса,
Ахир бу нечук бедод, олам анга тор ўлса?
Чикмай деса жойидин, узлатда фигор ўлса,
Гар чикса баногохи домега дучор ўлса,
Хижрон ўкидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари багри садпора экан мендек.

Бечорани зулм айлаб, кўл-бўйнини бог лабсан,
Хар сори чекиб-судраб, ўлдиргали чоглабсан,
Кўксини жафо бирла лола каби доглабсан,

Сот менга, агар касдинг олгувчи сўроглабсан,
Хижрон ўкидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари багри садпора экан мендек.

Йўк хуши, пари теккан девонага ўхшайдур,
Кўз ёши яна тўлган паймонага ўхшайдур,
Гам сели билан кўнгли вайронага ўхшайдур,
Фуркатда бу Саъдулло хайронага ўхшайдур,
Хижрон ўкидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари багри садпора экан мендек.